

# **Италия компанияси Сурхондарёда янги цемент заводини қуради**



Италиянинг “Team Network” компанияси цемент ишлаб чиқариш заводларини лойиҳалаш, қурилиш, фуқаролик ва саноат мұхандислиги, логистика, менежмент ҳамда ихтисослашган ходимлар томонидан тақдим этиладиган техник маслаҳат хизматларини күрсатиш билан шуғулланади.

Учрашувда Сурхондарёда 220 млн евро миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этиш эвазига йилига 1 млн тонна портландцемент ишлаб чиқариш қувватига эга завод қуриш, қурилиш учун Шеробод туманида 250 гектар ер майдони ажратиш масалалари, шунингдек, лойиха доирасида хорижий компанияга бериладиган солиқ, божхона имтиёзлари ва бошқа преференциялар ҳақида фикр алмашилди.

Янги заводни 2023 йилнинг 1-чорагида ишга тушириш режалаштирилмоқда. Завод 500 кишини иш билан таъминлайди.